

## БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТҮҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИНИ ТУЗИШ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ

*Остонокулов Азамат<sup>1</sup>, Касимова Гулляр<sup>2</sup>, Махаммадиева Ижобат<sup>3</sup>*

<sup>1</sup> Тошкент молия институти, DSc, dotsent, [ostonokulov@rambler.ru](mailto:ostonokulov@rambler.ru),

ORCID:0000-0003-2792-3174

<sup>2</sup> Тошкент молия институти “Бюджет ҳисоби ва газначилик иши” кафедраси профессори, иқтисод фанлари номзоди, [kasimovagulyora1960@gmail.ru](mailto:kasimovagulyora1960@gmail.ru),

ORCID: 0000-0002-9997-6104

<sup>3</sup> Тошкент молия институти, магистрант, [Makhammadiyeva@inbox.ru](mailto:Makhammadiyeva@inbox.ru)

**Аннотация:** Ҳозирги вақтда ташкилотнинг молиявий ҳисботларини тайёрлашда янги тенденциялар пайдо бўлмоқда, уларнинг асосийси маълумотларнинг шаффоғлигини оширишдир ва уни янада кенгроқ ошкор қилиш. Молиявий натижалар түғрисидаги ҳисбот молиявий ҳисботларнинг асосий таркибий қисмларидан биридир. Унда тўғри ва ишончли маълумотларни тақдим этиш ташкилот фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун жуда муҳимдир. Ҳисбот ташкилотнинг молиявий ахволини таҳлил қилиш ва унинг ишлашини ўрганиш учун зарур маълумотларни беради.

**Калит сўзлар:** бюджет, бюджет ташкилоти, даромад, заар, молиявий натижа, фойда, ҳисбот, харажат.

### DRAWING UP A REPORT OF BUDGETARY ORGANIZATIONS ON FINANCIAL RESULTS AND ITS ANALYSIS

**Annotation:** at present, new trends are emerging in the preparation of financial statements of the organization, the main of which is to increase the transparency of information and make it more accessible. Financial performance reporting is one of the main components of financial reporting. Providing correct and reliable information in it is very important to determine the effectiveness of the organization's activities. The report provides the necessary information to analyze the financial background of the organization and study its functioning.

**Keywords:** budget, budget organization, income, loss, financial result, profit, report, cost.

## СОСТАВЛЕНИЕ ОТЧЕТА БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ О ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТАХ И ЕГО АНАЛИЗ

**Аннотация:** в настоящее время в подготовке финансовой отчетности организации зарождаются новые тенденции, главной из которых является повышение прозрачности информации и ее большей доступности. Отчетность о финансовых результатах является одним из основных компонентов финансовой отчетности. Предоставление в нем правильной и достоверной информации очень важно для определения эффективности деятельности организации. Отчет содержит необходимую информацию для анализа финансового состояния организации и изучения ее функционирования.

**Ключевые слова:** бюджет, бюджетная организация, доход, убыток, финансовый результат, прибыль, отчет, затраты.

### Кириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 506-сон қарорига биноан “2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат Молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқаш тўғрисида” қарорга асосан давлат молиясини бошқариш тизимини янги босқичга олиб чиқиши ва бюджет интизомини янада мустаҳкамлаш, давлат ресурсларига оид ошкора, ишончли ва кенг қамровли маълумотларнинг мавжудлиги давлат молиясини бошқариш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилишига хизмат қиласи. Натижада давлат секторининг айрим харажатлари, шунингдек, алоҳида пул оқимлари, шу жумладан давлат корхоналари фаолияти, давлат активлари ва айрим давлат мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар бюджет ҳисоботида акс эттирилмайди.<sup>4</sup>

Бюджет ташкилотларида молиявий натижалар деганда ташкилотнинг барча даромадлари (тушумлари, бюджет маблағлари бўйича ғазначилик орқали амалга оширган касса харажатлари) ва ҳисобланган барча ҳақиқий харажатларининг ўзаро айрилиши натижасида келиб чиқадиган активнинг соф қиймати тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, бюджет ташкилотларининг молиявий натижаси бу ташкилотнинг барча активлари (номолиявий активлари, молиявий активлари ва дебиторлари)дан мажбуриятларининг (кредиторлик қарзларини) айрмаси натижасида ҳосил бўладиган активнинг соф қиймати деб тушуниш мумкин. Бундан келиб чиқадики, бюджет ташкилотларининг

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.08.2020 йилдаги “2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқаш тўғрисида”ги 506-сон карори

даромадлари бу активнинг соф қийматини (молиявий натижани) ошишига сабаб бўлувчи ташкилот активларини ошиши ёки унинг мажбуриятларини камайишидир.

Бюджет ташкилотларида молиявий натижаларни бошқариш яъни моделлар ва ёндашувлар орқали давлат бюджети маблағларидан оқилона фойдаланиш, самарали молиявий барқарорлик, молиявий барқарорлик, ва бюджет маблағларидан фойдаланиш масъулиятига эришишга қаратилган. Бу каби қатор ислоҳотлар мамлакатимиз иқтисодий ривожланишига катта туртки бўлади ҳамда бу эса бевосита, бюджет ташкилотларининг жамият олдидаги вазифаларини бажариш ва хизматлар курсатиш, аҳоли саломатлиги ва бандлигини таъминлаш, таълим бериш, тартибга солиш ва назорат килиш каби қатор нотижорат фаолиятларни юритади.

### Мавзуга оид адабиётлар шархи

Ушбу мавзуга оид хорижлик ва мамлакатимиз олимлари томонидан олиб борилган илмий изланишлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида баён қилинг.

Шмиголь фикрича, “Давлат ва муниципал молияни самарали ва масъулиятли бошқариш тамойилларини қўллаш зарурлигини халқаро миқёсда тан олиш бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ҳам, ўтиш даври ва ривожланаётган мамлакатларда ҳам бюджет жараёнини амалга оширишда янги ёндашувлардан фойдаланишга олиб келди. Ушбу ёндашувлар доирасида бюджет жараёнини амалга ошириш ва масъулиятли солиқ-бюджет сиёсатини шакллантиришга қаратилган зарур бюджет ислоҳотларини амалга ошириш, давлат харажатларининг молиявий барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлаш ва давлат харажатлари натижалари учун жавобгарликни ошириш мақсадида бюджетни ўрта ва узоқ муддатли режалаштиришдан фойдаланиш бюджет маблағларидан фойдаланиш”<sup>5</sup>.

Башарованинг фикрича, “бухгалтерия ҳисоби бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг тўғри ва мақсадли ишлатилишини, солиқлар ва бюджетдан ташқари фондларга бадаллар бўйича ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ва тўлиқлигини, шунингдек турли корхоналар, ташкилотлар билан ҳисоб-китобларни назорат қилишни таъминлайди ва бу эса молиявий натижаларга таъсири ҳақида айтиб ўтган”<sup>6</sup>.

Хориж олимлари ташкилотнинг киритган пул миқдорини ҳисоблашда, киритилган пул миқдори ва харажатлар орасидаги фарқни ҳисоблашда ёрдам беришади. Шунингдек, уларга кўра, ташкилотнинг киримлари ва харажатлари

<sup>5</sup> Шмиголь кандидат экономических наук, доцент кафедры государственных и муниципальных финансов статья-Бюджетное регулирование. 14 (638) – 2015 г.

<sup>6</sup> Башарова О.Г. Учебное пособие. Учет в бюджетных и некоммерческих организациях. Финансовый результат. 2018 г. 23стр.

орасидаги фарқнинг қандай камайтирилиши мумкинлиги ҳақида фикрлар берилиши керак. Бу эса, ташкилотнинг молиявий самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Бошқа олимлар эса, ташкилотнинг киримлари ва харажатларининг тафсилий ҳисоб-китоблари яратиш учун ёрдам беришади. Бу ҳисоб-китоблар ташкилотнинг молиявий таҳлилини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни беради ва молиявий натижалар ташкилотнинг бошқа ишлари учун йўналтиришга ёрдам беради.

Мамлакатимиз олимларидан Мехмонов ва Убайдуллаевларнинг тадқиқот ишларида “бюджет ташкилотларида меъёрий-ҳукуқий асосларни бузмаган ҳолда молиявий ҳисботлар кўрсатгичлари манфий қолдиқ билан чиқса (манфий қолдиқقا эга бўлса), у ҳолда ҳисботларда ушбу кўрсатгичлар “минус” ишора билан акс эттирилади”<sup>7</sup>.

А. Остонокуловнинг “бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисботлари молиявий ҳолатини яъни - бюджет тизимида бюджет ташкилотларининг молиялаштирилиши, тасдиқданган бюджетларнинг ижроси, пашкилотларнинг молиявий ҳолати, бюджет маблагларидан максадли фойдаланиш, бюджет ижросига ахборотларнинг ошкоралиги ва ишончлилиги устувор масалалардан саналади ҳамда шу максадда бюджет хисоби юритилдаи ҳамда молиявий ҳисбот шакллари тузиб тақдим этилади. Ўз-ўзидан шакллантирилган ва тақдим этилган молиявий ҳисботлардаги маълумотларни таҳлил килиш натижасида бюджет ташкилотининг мавжуд молиявий ҳолатини аниклаш ва баҳолаш, прогноз маълумотларни шакллантириш орқали молиявий карорлар кабул килинади”<sup>8</sup>.

Хориж олимларининг бюджет ташкилотларида молиявий натижалар тўғрисидаги фикрлари, ўзаро фарқ қилиши мумкин. Бироқ, умумий равища, уларга кўра, молиявий натижалар ташкилотнинг фаолиятини баҳолаш учун муҳимдир ва бу натижалар ташкилотнинг келажакдаги ишлари учун ёрдам беради. Хориж ва мамлакатимиз олимларининг бюджет ташкилотларида молиявий натижалар тўғрисидаги фикрлари, ташкилотнинг молиявий самарадорлигини оширишга ёрдам беради ва келажакдаги ишларни ривожлантириш учун зарур бўлган маълумотлардир. Олимларнинг тавсиялари ташкилотнинг киримлари ва харажатларини камайтириш, янги кирим манбалари топиш ва бошқа молиявий ишлар учун қўлланилиши мумкин бўлган стратегик ёндашувларга асосан ҳисботларни тузиш ҳамда ташкилотнинг молиявий

<sup>7</sup> Мехмонов С.У., Убайдуллаев Д.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. ТМИ. Тошкент 2013.

<sup>8</sup> Остонакулов, А.А. “Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблаглари ҳисоби ва ҳисботи методологиясини тақомиллаштириш” монография.” Т: VNESHINVESTPROM нашриёти 208 (2021). <https://scholar.google.com/scholar?cluster=3367250536379923041&hl=en&oi=scholarr>

жиҳатларини прогноз қилиш ва самарали маълумотларни шакллантириш орқали қарорларни қабул қилиш ташкилот равнақига сезиларли таъсир қиласди.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот давомида соҳага оид олимларнинг изланишларини ўрганиш, махаллий бюджетлар харажатлари назоратининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, абстракт мантиқий фикрлаш, индукция ва дедукция, монографик кузатув, тизимли таҳлил, таққослаш, иқтисодий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

### Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ти 414-сонли қарорига мувофиқ "бюджет ташкилотлари томонидан келгуси йилнинг январ ойида, яъни молия йилига қўшимча вақт мобайнида ўтган молия йили учун қўйидаги операциялар амалга оширилади:

- ўтган йилги кредиторлик қарзлари тўланади;
- тежаб қолинган маблағлар бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаларига ўтказилади.”<sup>9</sup>

Бу ҳисоботлар, ташкилотлар томонидан амалга оширилган ишлар ва ҳаражатларни текшириш, натижаларни баҳолаш ва бошқа молиявий муаммоларни аниқлаш учун тузилади. Бу ҳисоботлар ташкилотнинг молиявий ҳолатини яхши тушунтиради ва қарор қабул қилиш учун керакли маълумотларни беради. Ташкилотлар ҳисоботларга асосланиб, ўз фаолиятларини янада яхшилаш ва молиявий муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилиши мумкин. Ҳисоботларни тузишда, ташкилотлар ўз фаолиятларини баҳолаш учун бир неча молиявий кўрсаткичларни ўрганишади. Бу кўрсаткичлар ўзаро солиширилади ва ташкилотнинг амалга оширган ишларининг самарадорлиги, хизмат сифати, ходимларнинг иш билан шугулланиш даражаси, кирим-чиқимлар ва бошқа ҳаражатлар каби муҳим факторлар ҳисобга олинади.

"Ҳисоботлар ташкилотнинг молиявий ҳолатини яхши тушунтиради ва қарор қабул қилиш учун керакли маълумотларни беради. Ташкилотлар ҳисоботларга асосланиб, ўз фаолиятларини янада яхшилаш ва молиявий муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилиши мумкин. Ҳисоботлар, ташкилотлар учун жуда муҳим бўлиб, уларнинг молиявий ҳолатини аниқлаш ва яхши тушунтиришда ёрдам беради”<sup>10</sup>.

<sup>9</sup> Ўзбекситон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.09.1999 йил қарори. "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ти 414-сонли қарори

<sup>10</sup> Azamat Ostonokulov. Improvement of methodology for accounting of extra-budgetary resources of public educational and medical institutions. E3S Web Conf. Volume 296, 2021. 1st International Conference on Environmental Sustainability Management and Green Technologies (ESMGT 2021). <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202129606029>

Бу ҳисоботлар ташкилотлар учун ўз фаолиятларини баҳолаш ва янада яхшилаш имкониятини беради. Ҳисоботларни тузишда, ташкилотлар бир неча молиявий кўрсаткичларни ўрганишади ва улар ўзаро солиштирилади. Бу кўрсаткичлар ташкилотнинг амалга оширган ишларининг самарадорлиги, хизмат сифати, ходимларнинг иш билан шуғулланиш даражаси, кирим-чиқимлар ва бошқа ҳаражатлар каби муҳим факторларни ҳисобга олади. Ҳисоботлар ташкилотнинг молиявий ҳолатини яхши тушунтиради ва қарор қабул қилиш учун керакли маълумотларни беради. Шунингдек, ҳисоботлар ташкилотлар учун молиявий муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилиш имкониятини беради.

Бюджет ташкилотининг молиявий натижаси унинг барча даромадларининг турлари бўйича алоҳида ҳолда аниқланади, яъни:

- бюджет маблағлари бўйича;
- тўловларни маҳсус турларига доир ҳисоблашувлар бўйича;
- таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт маблағлари бўйича;
- бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича;
- бюджет ташкилотининг бошқа даромадлар бўйича.

Молиявий фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисботда бюджет ташкилотининг ҳисбот даври бўйича ҳисобланган даромад (тушум)лар ва ҳақиқий ҳаражатлар ўртасидаги фарқ ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисбидан ўзаро ҳисоб-китоблари йиғиндиси акс эттирилади.



## 1-расм. Бюджет ташкилотларида маблағ билан таъминланиш йўналишлари бўйича молиявий натижаларни ажратилиши<sup>11</sup>

Молиявий натижалар ҳисобини ташкил этишда бухгалтерия ҳисоби олдига қўйидаги вазифалар қўйилади:

- молиявий натижаларни белгиланган тартибда шакллантириш;
- молиявий натижалар билан боғлиқ муомалаларни ўз вақтида бухгалтерия хужжатлари ҳамда ҳисоб регистрларида акс эттириш;
- бухгалтерия ҳисобварақларида молиявий натижалар ҳолати тўғрисида тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;
- молиявий натижалар бўйича ҳисботларни тузиш ҳамда улар бўйича асосланган бухгалтерия ахборотларини шакллантириш.

Молиявий фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисботнинг «Даромадлар» устунида 308-шаклдаги «Бош журнал китоби»даги қолдиқлар қўйидаги субсчёtlар бўйича акс эттирилади: бюджетдан молиялаштириш, тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобланган даромадлар, олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим ташкилотларида ўқитишининг тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар, бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даромадлар, тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича даромадлар, тақсимланиши назарда тутилган тушумлар бўйича ҳисобланган даромадлар, ходимлардан, улар ишлаётган жойида овқатланганлиги бўйича ҳисоб-китоблардан тушадиган тушумлар бўйича ҳисобланган даромадлар, ажратмалар ҳисобига шаклланадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича ҳисобланган даромадлар, умумтаълим муассасаларида дарсликлар ижараси тўловидан тушган бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар, бюджет ташкилотлари томонидан стационар даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётганлар таркиби овқатланиши учун ундириладиган тўловлар бўйича ҳисобланган даромадлар, бюджет ташкилотларининг қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлар<sup>12</sup>.

Даромадлар турлари бўйича бюджет ташкилотининг молиявий натижалари 2 та босқичга бўлинган ҳолда аниқланади. Яъни, 1-босқичда бюджет ташкилотининг фақатгина молия йили мобайнидаги (1-январдан 31-декабргача, бюджет маблағлари бўйича еса, молия йилига қўшимча вақт мобайнидаги давр

<sup>11</sup> Муаллифлар томонидан тузилган

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БХС) «Бюджет ҳисботи»ни тасдиқлаш тўғрисида.3124-3-сон. 26.06.2021.

ҳам киради) барча даромадлари ва мазкур даврдаги (1-январдан 31-декабргача) амалга оширилган ҳақиқий харажатларини солиштириш натижасида аниқланади. 2-босқичда эса мазкур аниқланган молиявий натижа бюджет ташкилотининг ўтган-йиллар мобайнидаги молиявий натижасига қўшилади. Бунинг натижасида бюджет ташкилотининг жорий даврга ва якуний молиявий натижаси аниқланади.

Молиявий ҳисботларни тасдиқлаш ва тақдим қилиш тартиби қуидагича:

Бюджет ташкилотлари молиявий ҳисботларни электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда “УзАСБО” АТ орқали тегишли ғазначилик бўлинмалари ёки бюджет маблағларини тақсимловчига тақдим этади. Дастурий мажмуа орқали электрон шаклда топширилган молиявий ҳисботлар бир нусхада қоғозга чоп этилиб, ҳисбот берувчи ташкилотнинг раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланади. Имзоланган молиявий ҳисботлар ҳисбот берувчи ташкилотида белгиланган тартибда сақланади.

Бюджет маблағларини тақсимловчилар ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати жамланма молиявий ҳисботларни дастурий мажмуа орқали ваколатли ходимлари томонидан электрон ракамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда тегишли ғазначилик бўлинмаларига тақдим этади. Молиявий ҳисботларни электрон шаклда тақдим қилиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда, бюджет ташкилотлари молиявий ҳисботларни тегишли ғазначилик бўлинмаларига қоғоз шаклида имзоланган ҳолда бир нусхада тақдим этади.

Бюджет маблағларини тақсимловчилар давлат бюджетидан молиялаштириладиган ўз тасарруфидаги ташкилотларнинг молиявий ҳисботлари асосида чораклик ва йиллик жамланма молиявий ҳисботларни тузиб, Молия вазирлиги Ғазначилигига электрон тарзда тақдим этади. Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар учун молиявий ҳисботларни тақдим этиш санаси улар томонидан ҳақиқатда тақдим этилган сана ҳисобланади. Ҳисбот тақдим этиш учун белгиланган муддат ишланмайдиган кунга тўғри келганда, ундан кейин келадиган биринчи иш кунида тақдим этилади.

Тадқиқот натижалари, ўз ичига кўплаб маълумотларни олади ва уларни таҳлил қилиш орқали келажакда қандай ҳаракат қилиш кераклиги ҳақида фикр билдиришга ёрдам беради. Тадқиқот натижалари ташкилотлар учун муҳимлиги ҳақида маълумотларни олишда ва уларнинг фаолиятини яхшилашда ёрдам беради. Натижалар одатда ҳисботларга ўтказилади ва улар ташкилотлар ва бошқа жамиятлар томонидан ишлатилади. Молиявий натижаларини ҳисобга олувчи субсчёлларда умумий ҳолда кредит қолдининг қолиши бюджет ташкилотининг барча активларини (номолиявий активлари, молиявий

активлари, дебиторлар) умумий суммаси бюджет ташкилоти мажбуриятларининг умумий суммасидан ортиқ бўлганлигини, дебет қолдигининг қолиши эса, бюджет ташкилотининг умумий мажбуриятлари суммаси унинг барча активлари (номолиявий активлари, молиявий активлари, дебиторлар) умумий суммасидан ортиб кетганлигини билдиради.

### 1-жадвал

#### Олий таълим муассасасининг молиявий натижалари тўғрисида маълумот<sup>13</sup>

Кўрсаткичлар	Йиллар		
	2020	2021	2022
<b>Бюджет маблағлари</b>			
Даромадлар	21 846 860,90	29 101 544,60	35 640 660,40
Харажатлар	25 261 779,90	30 538 782,30	37 427 617,00
Молиявий натижа	-3414 919,00	-1437 237,70	-1786 956,60
<b>Тўлов-контракт шакли маблағлари</b>			
Даромадлар	132 820 912,30	69 331 138,60	100 497 777,10
Харажатлар	61 603 344,00	72 688 591,70	111 587 491,80
Молиявий натижа	71 217 568,30	-3 357 453,10	-11 089 714,70
<b>Ривожлантириш жамғармаси маблағлари</b>			
Даромадлар	18 46 722,20	10 615 380,00	3 121 368,20
Харажатлар	1 255 502,50	2 482 745,70	5 786 526,40
Молиявий натижа	591 219,70	8 132 634,30	-2 665 158,20
<b>Барча молиялаштириш манбалари</b>			
Даромадлар	157 923 753,30	109 624 078,40	139 259 805,70
Харажатлар	88 120 626,40	106 330 572,70	154 808 670,50
Молиявий натижа	69 803 126,90	3 293 505,70	-15 548 864,80

Тадқиқот натижасида бюджет ташкилотининг ўқитишнинг тўлов-контракт маблағларидан тушган даромадларини таҳлил қиласиган бўлсак, 2020-йил жами даромадлари 157923753.30 сўмни ташкил этган, шундан 21846860.90 сўм

<sup>13</sup> ОТМ молиявий хисоботлари асосида муаллифлар томонидан шакллантирилган

бюджетдан молиялаштирилган. Таълим муассасаларида пуллик-контракт шаклидаги маблағлардан олинадиган даромадлар 132820912.30 сўм ҳамда бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг даромадлари 1846722.20 сўм ва бошқа даромадлар 1409257.90 сўмни ҳосил этган.

Ташкилотнинг умумий харажатлари 88120626.40 сўмни ташкил этади. Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар 25261779,90 сўмни ва Таълим муассасаларида таълимнинг пуллик-контракт шаклидан олинган даромадлар ҳисобига амалга ошириладиган ҳақиқий харажатлар 61603344,00 сўмни, бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар 1255502,50 сўмни ташкил этган. Бюджет маблағлари учун жорий йилнинг молиявий натижаси

-3414919,00 сўмда, таълим муассасаларида пуллик-контракт шаклидаги маблағлар бўйича жорий йилнинг молиявий натижаси 71217568,30 сўмни, бюджет ташкилоти ривожлантириш жамғармаси орқали жорий йилнинг молиявий натижа 591219,70 сўмни, бошқа даромадлар учун жорий йилнинг молиявий натижаси 1409257,90 сўмни ташкил этган.

Шу ташкилотнинг 2021 йилдаги молиявий натижалар кўрсатгичлари, жами даромадлари 109624078,40 сўм, шундан бюджетдан молиялаштириш 29101544,60 сўм, таълим муассасаларида пуллик-контракт шаклидаги маблағлардан олинадиган даромад 69331138,60 сўмни, бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг даромадлари жами 10615380,00 ва бошқа даромадлар 576015.20 сўмни ташкил этган. Ташкилотнинг умумий харажатлари 106330572,70 сўмни ташкил этади. Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар 30538782,30 сўмни ва таълим муассасаларида таълимнинг пуллик-контракт шаклидан олинган даромадлар ҳисобига амалга ошириладиган ҳақиқий харажатлар 72688591,70 сўмни, бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар 2482 745,70 сўмни ташкил этган.

Бюджет маблағлари учун жорий йилнинг молиявий натижаси -1437237,70 сўмда, таълим муассасаларида пуллик-контракт шаклидаги маблағлар бўйича жорий йилнинг молиявий натижаси -3357453,10 сўмни, бюджет ташкилоти ривожлантириш жамғармаси орқали жорий йилнинг молиявий натижа 8132 634,30 сўмни, бошқа даромадлар учун жорий йилнинг молиявий натижаси -44 437,80 сўмни ташкил этган.

2022-йил жами даромадлари 139259805,70 сўмни ташкил этган, шундан 35640660,40 сўм бюджетдан молиялаштирилган. Таълим муассасаларида пуллик-контракт шаклидаги маблағлардан олинадиган даромадлар 100497777,10 сўм ҳамда бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг даромадлари 3121368,20 сўм ва бошқа даромадлар такилотга тушмаган.

Ташкилотнинг умумий харажатлари 154808670,50 сўмни ташкил этади. Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар 37427617,00 сўмни ва таълим муассасаларида таълимнинг пуллик-контракт шаклидан олинган даромадлар ҳисобига амалга ошириладиган ҳақиқий харажатлар 111587491,80 сўмни, бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар 5786526,40 сўмни ташкил этган.

Бюджет маблағлари учун жорий йилнинг молиявий натижаси - 15548864,80 сўмда, бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар -1786956,60 сўмни, таълим муассасаларида пуллик-контракт шаклидаги маблағлар бўйича жорий йилнинг молиявий натижаси -11089714,70 сўмни, бюджет ташкилоти ривожлантириш жамғармаси орқали жорий йилнинг молиявий натижа -2665 158,20 сўмни, бошқа даромадлар учун жорий йилнинг молиявий натижаси -7 035,30 сўмни ташкил этган. Яъни бюджет ташкилотининг молиявий аҳволи манфий даражада.

Бюджет ташкилотининг ўқитишининг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар тўғрисида уч йиллик молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот ўрганиб чиқилди ва молиявий натижалар шуни кўрсатадики 2020 йил учун умумий даромад 157923753.30 сўмни ташкил қиласди ва бюджетдан молиялаштириш юқори кўрсатгични ташкил қиласди. Умумий харажатлар эса 88120626.40 сўмни ҳамда моливий натижа 69803126.90 сўмни яъни бу кўрсагичлар шуни кўрсатадики 2021-2022 йилларга қараганда мусбат кўрсатгичга эга. 2021-2022 йиларда умумий даромад умумий харажатдан камлигини ва бу эса молиявий натижага салбий таъсир қиласдини кўриш мумкин (-15548864.80 сўм). “Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов контракт шаклидан даромадларининг пастлиги ва ташкилот бошқа молиявий манбааларидан фойдаланмаслигини кўрсатади”<sup>14</sup>. Ташкилий молиялаштириш ташкилот учун муҳим рол ўйнайди, чунки ташкилот учун ўз фаолияти учун зарур маблағларни олиш имкониятини беради. Молиявий номутаносибликни келтириб чиқармаслик учун даромад манбаларини кенгайтириш керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қароррига асосан олий таълим муассасаларини босқичма - босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш мамлакатда таълим тизимининг ривожланишига, иқтисодий ўсишга катта таъсир кўрсатади ҳамда шу ташкилотларнинг бошқа ахборот имкониятларидан фойдаланишини, бошқача қилиб айтганда ўз тасарруфида бўлган асосий воситларни ижарага бериш, бўш турган пул маблағларини депозитга қўйиш, буларнинг барчаси бюджет ташкилотларининг молиявий

<sup>14</sup> Остонокулов, А. (2022). Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов- контракт шаклидан тушумлар ҳисоби ва уни такомиллаштириш. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1119>

(даромад) базаларини оширишга қаратилган ислоҳотлардир. Бюджет ташкилотларининг молиявий натижаларини яхшилаш мақсадида, даромадларини кенгайтириш яъни харажатларни камайтиришнинг бир нечта таклифларни ёритиб ўтмоқчиман. Тадқиқот натижасига кўра бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар бюджетдан молиялаштирилган маблағлардан ошиб кетганлиги сабабли бюджет маблағлари учун жорий йилнинг молиявий натижаси манфий ишора билан кузатилган.

Шу сабабдан, бу камчиликларни олдини олиш мақсадида қўйидаги таклифни киритиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Тадқиқот натижасида уч йиллик молиявий натижаларни кузатадиган бўлсак бюджет маблағлари учун жорий йилнинг молиявий натижалари манфий кўрсатгични ташкил қилган, бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар ошганда бу ҳақиқий харажатлар Ривожлантириш жамғармаси ёки ўқитишнинг тўлов-контракт ҳисобидан тушган маблағ ҳисобидан қопланиши керак.

Мисол учун бошқа харажатларни яъни тўртинчи гурӯҳ харажатларини олиб қарайдиган бўлсак, касса харажатлари ҳақиқий харажатлардан ошиб кетиши кўп қузатилгани сабабли (электр энергия, коммунал тўловлар, интернет ва бошқа тўловлар) қиймати ошиб кетганлиги сабабли, бу харажатларни Ривожлантириш жамғармасидан ва ўқитишнинг тўлов-контрактдан тушган маблағ ҳисобидан қопланиши керак. Ҳозирги кунда об-ҳавонинг ўзгариши ҳам мамлакатимиз ҳудудларига ўз таъсирини ўтказяпти. Шуни ҳисобга олган ҳолда тўртинчи гурӯҳ харажатларидан электр ва иссиқлик таъминотидан фойдаланишни иқтисод қилиш керак. Жорий йил ҳисобига 2023 йил январь ойида об-ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиб кетганлиги сабабли, иссиқлик таъминотидан фойдаланиш тўхтатилмади, шу сабабли иссиқлик таъминотининг мақсадсадсиз ишлатилишига олиб келди ва бу эса ташкилот харажатларинг ортиб кетишига олиб келади.

### Хуроса ва таклифлар

Молиявий ҳисботда ташкилотларнинг молиявий натижалари тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Бу ҳисбот молиявий органларга ва ташкилот раҳбарларига маълум бўлади. Ҳисботда ташкилотларнинг тўлиқ активлари, тўлиқ қарздорликлари ва тўлиқ капиталлари кўрсатилади. Шунингдек, ҳисботда ташкилотларнинг омбори, сотиладиган маҳсулотлар, молиявий кайта инвестициялар ва бошқа молиявий операциялардаги молиявий натижалар мавжуд. Ҳисботда ташкилотларнинг кирим-чиқимлари, фойдаланиш ҳисблари, тўплаш ва кирим кассалари мавжуд. Бу маълумотлар ташкилотнинг молиявий ўрни ҳақида маълумот беради. Ҳисботда ташкилотларнинг молиявий натижаларини таҳлил қилиш учун молиявий кўрсаткичлар (кўпайтириш фаолияти, фаолиятдаги тўловлар, кирим-чиқим)

берилади. Бу маълумотлар ташкилотнинг молиявий фаолиятини таҳлил қилиш ва унинг ишлашини ўрганиш учун муҳим маълумотлардир. Ташкилотнинг молиявий натижаларини таҳлил қилиш ва унинг ишлашини ўрганиш учун муҳим маълумотлардан бошқа, ҳисоботда ташкилотнинг молиявий аҳволи, фаолияти ва кенгайтириш стратегияси ҳам кўрсатилади.

Бюджет ташкилотлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлари молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот шаклларидағи асосий фарқ уларнинг шаклидадир яъни ҳисобот шаклининг кўринишида. Ҳисобот ташкилотнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш ва унинг ишлашини ўрганиш учун зарур маълумотларни беради.

Молиявий натижалари ҳисобини такомиллаштириш ва пул маблағлари сарфини тўғри йўналтириш юзасидан қуйидаги тавсияларни тақдим этиш мақсадга мувофиқ: ташкилотларнинг молиявий аҳволини ўз вақтида таҳлил қилиш ҳамда уларнинг натижаларини раҳбарларга тақдим этиб, самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳамда бюджет маблағлари ҳисобидан тўланадиган иш ҳақи бўйича ажратмаларни, хусусан, ягона ижтимоий тўловларга бадалларни молиялаштириш тизимини қайта қўриб чиқиши мақсадга мувофиқ. Энг кўп кузатиладиган хато ва камчиликлар иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар яъни, биринчи гуруҳ харажатида акс этган. Шу сабабдан, бу камчиликларни ўз вақтида олди олинса, ташкилотнинг самарали иш олиб боришига туртки бўлади, деб ўйлаймиз.

Олиб борилган тадқиқот натижаларини ўрганиш ва таҳлил қилишни ўрганиш учун ташкилотлар учун ташқи мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш керак. Тадқиқот натижаларини ўз ичига олган ташкилотлар ўз фаолиятини яхшилаш учун қўшимча тадқиқотлар олиб бориши мумкин. Шунинг учун, тадқиқот натижаларининг ишлатилиши ташкилотларнинг стратегиясини яхшилаш учун фойдали бўлади ва зарур, деб ҳисблаймиз. Бу натижалар ташкилотларнинг келажакдаги режалари ва мақсадалари учун муҳимлиги ҳақида маълумот беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.09.1999 йил қарори. "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 414-сонли қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.08.2020 йилдаги "2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқаш тўғрисида"ги 506-сон қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БХС) «Бюджет ҳисботи»ни тасдиқлаш тўғрисида.3124-3-сон. 26.06.2021.

4. Башарова О.Г . Учебное пособие. Учет в бюджетных и некоммерческих организациях. Финансовый результат. 2018 г. 23стр.
5. Мехмонов С.У., Убайдуллаев Д.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. ТМИ. Тошкент 2013.
6. Остонакулов, А. А. "Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисботи методологиясини такомиллаштириш" монография." Т: VNESHINVESTPROM нашриёти 208 (2021).
7. Остонокулов, А. (2022). Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов—контракт шаклидан тушумлар ҳисоби ва уни такомиллаштириш. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1119>
8. Azamat Ostonokulov. Improvement of methodology for accounting of extra-budgetary resources of public educational and medical institutions. E3S Web Conf. Volume 296, 2021. 1st International Conference on Environmental Sustainability Management and Green Technologies (ESMGT 2021). <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202129606029>
9. Шмиголь кандидат экономических наук, доцент кафедры государственных и муниципальных финансов статья-Бюджетное регулирование. 14 (638) – 2015 г.
10. Табаев А.З., Санаева Д. Бюджет ташкилотларида молиявий натижалар ҳисобини ташкил этишнинг хусусиятлари. 2018 йил.